



## СУҒУРТА БОЗОРИ: ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*И.ф.д., доц. Абдурахмонов Ильёс*  
Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети  
ORCID: 0009-0000-6534-9279  
[a.ilyos@mail.ru](mailto:a.ilyos@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада суғурта бозорининг иқтисодиётдаги тутган ўрни, замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ёритилган, ҳамда суғурта бозорининг лозим даражада ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар, муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** суғурта, суғурта бозори, суғурта бозори субъектлари, суғурта турлари, суғурта маданияти.

## СТРАХОВОЙ РЫНОК: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЕ

*Д.э.н, доц. Абдурахмонов Ильёс*  
Университет цифровой экономики и агротехнологий

**Аннотация.** В статье освещена роль страхового рынка в экономике, его современное состояние и тенденции развития, а также факторы, проблемы и пути их решения, оказывающие негативное влияние на развитие страхового рынка.

**Ключевые слова:** страхование, страховой рынок, субъекты страхового рынка, виды страхования, культура страхования.

## INSURANCE MARKET: CURRENT STATE AND DEVELOPMENT TRENDS

*DSc, assoc. prof. Abdurakhmonov Ilyos*  
University of Digital Economics and Agrotechnologies

**Annotation.** The article highlights the role of the insurance market in the economy, its current state and development trends, as well as factors, problems and ways to solve them that have a negative impact on the development of the insurance market.

**Key words:** insurance, insurance market, subjects of the insurance market, types of insurance, insurance culture.

### Кириш.

Суғурта бозорининг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, у кўп қиррали бўлиб, корхоналар ва аҳолининг мулкӣ манфаатларини ҳимоялаш функциясини бажаришга ва давлатнинг кўплаб макроиқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қодир бўлган ижтимоий институтдир. Шунингдек, суғурта бозори бюджетнинг харажатлар қисмига тушадиган харажатлар юқини максимал даражада камайтириши, табиий ва техноген офатлар ҳамда бахтсиз ҳодисалар натижасида етказилган зарарларни қоплаши, бундан

бўшаган молиявий ресурсларни эса ижтимоий ва бошқа давлат дастурларига йўналтириш учун самарали имкониятларни яратади, ижтимоий қўшимча пенсия суғуртаси, ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш каби ижтимоий аҳамиятга эга суғурта турларини амалга ошириш орқали эса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг узвий элементи бўлган жамиятдаги иқтисодий барқарорликни таминлашга кўмаклашади. Шу сабабдан миллий суғурта бозорини ривожлантириш давлат, бизнес ва жамият учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

Методологик нуқтаи назардан суғурта бозори кўплаб таркибий элементларни ўз ичига олган мураккаб иқтисодий тизим сифатида намоён бўлади. Замоनावий иқтисодий фан “суғурта бозори” тушунчасининг ягона, умумий қабул қилинган талқини ёки ёндашувини акс эттирмайди. Шунинг учун унинг моҳиятини ўрганиш унинг институционал асосларини талқин этишни назарда тутаяди. Қўйида биз айрим тадқиқотчи олимларнинг фикрларини келтириб ўтаемиз.

Вершин ва Разуковалар (2022) ўз тадқиқотларида қуйидагиларни эътироф этишади, яъни замоनावий шароитда жисмоний шахсларнинг нормал ҳаёти ва тижорат ташкилотлари фаолиятига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган кўплаб рисклар мавжуддир. Бунда турли форс-мажор ҳолатлар юзага келганда хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали усулларида бири бу суғурта ҳисобланади. Жисмоний ва юридик шахсларга маълум ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплаш кафолатини олиш имконини берадиган молиявий бозор фаолиятининг айнан шу туридир. Шундай қилиб, суғурта “жисмоний ва юридик шахсларни салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга ёрдам берадиган иқтисодий муносабатлардир” деб таъкидлашади.

Полякова ва бошқалар (2018) суғурта бозори тушунчасига алоҳида ёндашишади ҳамда қўйидагиларни таъкидлашади, яъни “суғурта бозори” тушунчасига унинг асосий мақсадларидан келиб чиқиб эътибор қаратиш лозим, суғурталовчининг тайёр маҳсулотни истеъмолчининг талаби даражасидан келиб чиққан ҳолда, унинг сифатини, тақдим этилаётган суғурта хизматининг ишончлилигини ҳисобга олган ҳолда тегишли эквивалентга (пул суммасига) алмаштиришдир. Шу сабабли, суғурта бозорини суғурта ҳодисалари содир бўлган тақдирда ўз мулкӣ ва ижтимоий манфаатларининг суғурта ҳимоясига муҳтож бўлган суғурталанувчилар (суғурталанган шахслар, наф олувчилар) ўртасида ривожланадиган аниқ иқтисодий муносабатларни шакллантириш, амалга ошириш ва ривожлантириш соҳаси сифатида кўриб чиқиш тақлиф этилади.

Захарова ва Паськолар (2011) суғурта бозорига қуйидагича таъриф беришга ҳаракат қилишади, жумладан, суғурта бозори – бу махсус ижтимоий-иқтисодий муҳит, пул муносабатларининг маълум бир соҳаси бўлиб, унда сотиш ва сотиб олиш объекти суғурта ҳимояси ҳисобланади, ҳамда у талаб ва тақлиф асосида шаклланади. Шунингдек, уни қуйидаги жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин:

– жамиятнинг суғурта ҳимоясини таъминлаш учун суғурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича пул муносабатларини ташкил этиш шакли сифатида;

– тегишли суғурта хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи суғурта ташкилотлари (суғурталовчилар) мажмуи сифатида.

Гасанова ва бошқаларнинг (2019) фикрига кўра суғурта бозори – бу суғурта хизматларига бўлган талаб ва тақлифнинг ривожланиш соҳаси. У тегишли хизматларни тақлиф этувчи турли суғурта компаниялар (суғурталовчилар), шунингдек, суғурта ҳимоясига муҳтож (суғурталанувчилар) юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Суғурта бозори ижтимоий ривожланиш салоҳиятини

таъминловчи инвестиция ресурсларини бирлаштиришга ёрдам берувчи кучли воситадир. Суғурта бозорининг шаффофлиги ва барқарорлиги ҳам давлат, ҳам жамият иқтисодиётининг узлуксиз ривожланишининг кафолатидир.

Родина (2019) тадқиқотларида суғурта бозорини қўйидагича кўриб чиқишни таклиф этади, яъни суғурта бозори тор маънода қўйидагиларни англатади:

- талаб ва таклифни ташкил этувчи суғурта маҳсулоти ёки хизмати олди-сотди объекти бўлган пул муносабатлари соҳаси;
- жамиятнинг суғурта ҳимоясини таъминлаш учун суғурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш учун пул муносабатларини яратиш шакли;
- суғурта маҳсулотларини сотиш ва суғурта хизматларини кўрсатишда фаол иштирок этувчи суғурта компаниялари бирлашмаси.

Кенг маънода эса “суғурта бозори” – бу суғурта маҳсулоти ёки хизматларини сотиб олиш ва сотиш бўйича иқтисодий муносабатларнинг умумий қиймати. Суғурта бозори суғурталовчилар ва суғурталанувчилар ўртасидаги яқин муносабатларни ташкил қилади ҳамда суғурта маҳсулоти ёки хизматларининг жамоатчилик томонидан тан олиниши таъминлайди.

Найко (2018) суғурта бозорини қўйидагича тавсифлайди, яъни суғурта бозори – бу суғурта хизматлари таклиф қилинадиган молия бозорининг бир қисми. Айнан у ўз хизматларини таклиф этувчи суғурта ташкилотлари, шунингдек суғурта ҳимоясига бевосита муҳтож бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Бошқа ҳар қандай бозор сингари, суғурта бозори иқтисодий ўсишнинг табиий тебранишлари, шунингдек, суғурта хизматлари нархининг пасайиши каби циклик хусусиятга эгадир.

Денисова ва бошқалар (2016) ўз тадқиқотларида суғурта бозори – бу суғурта хизматларига талаб ва таклифни шакллантириш соҳасидир деб таъкидлашади. У тегишли хизматларни таклиф этувчи турли суғурта ташкилотлари (суғурталовчилар), шунингдек, суғурта ҳимоясига муҳтож (суғурталанувчилар) юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди деб таъкидлашади.

Сизон ва Углицкихлар (2023) суғурта бозорининг замонавий ҳолати бўйича қўйидагиларни таъкидлашади, суғурта бозори сунъий интеллект, шунингдек, бир қатор автоматлаштирилган тизимларнинг жорий этилиши туфайли сезиларли даражада ўзгариб бормоқда. Бу кейинги ривожланиш учун янги имкониятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда кўриб чиқиладиган соҳа фаол ўсиб жадаллик билан ривожланмоқда. Замонавий суғурта бозори учун рақамлаштириш муҳим модификация омили бўлиб, у ўзига хос тарзда суғурталовчиларнинг бизнес юритиш фаолиятини тубдан ўзгартиради.

Шунингдек, тадқиқотчи Абдурахмонов (2018-2022) тадқиқотларида миллий суғурта бозори, унинг ҳолати, унинг замонавий ривожланиш йўналишлари, инновацион суғурта маҳсулотлари, суғурта соҳаларининг ривожланиш тенденциялари, суғурта бозорида манфаатдор томонларининг фаолияти, шунингдек суғурта бозорини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий шакллари бўйича ўз фикрларини баён этган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг суғурта бозори тушунчасига берилган молиявий-иқтисодий, ижтимоий тарифлар, мавзуга боғлиқ бўлган кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рискларни бошқариш усулларида бири сифатида суғурта жамиятдаги ижтимоий кескинлик даражасини пасайтиришга, аҳолига етказилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга, мол-мулк ва жамғармаларини сақлаб қолиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини фаоллаштиришга имкон яратиш беради. Бу механизм нафақат алоҳида аҳолининг ҳаётини барқарорлигини таъминлашга, балки бутун мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам фойдали таъсир кўрсатиши билан бошқа молиявий институтлардан ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ йўқотишлар таҳдиди тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бундан келиб чиқиб, салбий омиллар таъсирида турли кўринишдаги зарарларнинг юзага келиши оддий фуқароларнинг ҳам, тадбиркорлик вакиллариининг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган суғурта бозорининг роли ортиб бормоқда. Суғурта орқали инсон ўзининг асосий эҳтиёжларидан бири бўлган ҳимоя эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун молия бозорининг суғурта бозори каби сегментини ривожлантириш алоҳида ўрин тутиши табиий ҳолатдир.

Суғурта механизмининг ўзига хослиги шундаки, у нафақат корхоналар ва фуқароларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиши, балки давлатнинг кўплаб макроиқтисодий муаммоларини ҳам ҳал этишга қодирдир.

Суғурта фаолияти суғурта ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра ажралиб туради. Замоनावий ижтимоий-иқтисодий шароитда прогрессив тенденциялар ва халқаро стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда суғурта бозорини янада ривожланишини таъминлайдиган яхлит суғурта тизимини яратишни тақозо этмоқда. Бу суғурта бозорининг ривожланиш истиқболларини ўрганиш, уни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини тўғри шакллантириш ва маълум бир ўсиш потенциалини белгилашни назарда тутати.

Миллий суғурта бозорини назорат ва тартибга солиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг маълумотларига кўра, 2023 йилда суғурта кўрсаткичларида бир неча ижобий ва салбий иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Уларнинг асосийларини кўриб чиқамиз (1-жадвал)

#### 1-жадвал


#### Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг тузилиши<sup>98</sup>

Суғурта бозори тузилиши	31.12.2022	31.12.2023	Ўзгариш (+/-)
Суғурта ташкилотлари сони	41	38	-7,3%
<i>шу жумладан ҳаёт суғуртаси бўйича</i>	8	7	-12,5%
Суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали (млн. сўмда)	1 884 111	2 298 572	+22,0%
Суғурта брокерлари сони	7	8	+14,3%
Актуарийлар сони	5	5	0%
Суғурта агентлари сони	9 155	4 736	-48,3%
<i>шу жумладан юридик шахслар</i>	2 625	1 711	-34,8%
Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотларининг сони	25	26	+4,0%

2023 йил якуналари бўйича суғурта компаниялари сони 7,3 фоизга камайган. Бунда 5 та суғурта компанияси лицензияси бекор қилинган ("Asko-vostok" АЖ ҚҚ, "Sharq-

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>.

sug'urta" АЖ, "Unipolis" АЖ, "Garant insurance group" АЖ, "Farovon sug'urta" АЖ) ҳамда 1 та суғурта компанияси фаолияти вақтинча тўхтатилган ("DD general insurance" АЖ). Шунингдек, жами суғурта компанияларининг умумий устав капитали ўтган 2022 йилга нисбатан 22,0 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Суғурта воситачилари сонига ҳам кескин ўзгаришлар юз берган, яъни суғурта агентларининг сони ўтган йилга нисбатан 48,3 фоизга камайган, бу асосан суғурта агенти деб руйхатдан ўтган якка тадбиркорларнинг фаолият турларини мувофиқлаштириш асосида ўз берган, ҳамда соҳага рақамли технологияларнинг жадал кириб бориши улар сонининг кескин камайиш тенденциясини намоён этиб келмоқда.



**1-расм. Миллий суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари ва тўлаб берилган суғурта қопламаларининг ўзгариш динамикаси<sup>99</sup>**

2023 йил суғурта хизматлар бозорида 8059,7 млрд.сўм суғурта мукофотлари йиғишга эришилди, бу ўтган 2022 йилга нисбатан 29,3 фоизга кўпдир (умумий суғурта тармоғида ўсиш ўтган йилга нисбатан 64,4 фоизга кўп, ҳаёт суғуртаси эса ўтган 2022 йилга нисбатан 78,8 фоизга камайган). Суғурта қопламалари 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 22,1 фоизга камайган, бундан умумий суғурта тармоғидаги суғурта қопламалари 42,7 фоизга ўсгани билан ҳаётни суғурта қилиш тармоғи 69,7 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Суғурта қопламаларидаги бундай ўзгариш 2021-2022 йилларда ҳаёт суғуртаси бўйича берилган қатор имтиёزلарнинг бекор қилиниши натижасида юзага келганлигини тахмин қилишимиз мумкин. Шунингдек, 2022 йилда ҳаёт суғуртасидаги суғурта турлари бўйича суғурта қопламаларини (жамғариб бориладиган) ялпи қайтариш амалиёти кўзатишгани ҳам таъкидлашимиз мумкин.

Охириги йилларда суғурта компаниялари томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсатларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. 2023 йилда суғурта компаниялари томонидан 6149,9 млрд.сўм инвестиция қилинган. Бу ўтган 2022 йилга нисбатан 29,4 фоиз кўпдир. Уларнинг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кўзатишимиз мумкин бўлади, яъни ҳали ҳам суғурта компаниялари инвестиция портфелларида тижорат банклари депозитларига (омонатлар) қилинган инвестициялар умумий портфелнинг 66,6 фоизини ташкил этиб юқориликча

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>

қолмақда. Бунинг асосий сабабларидан бири бу депозитлар бўйича фоиз ставкалари барқарор ва уларнинг рисилик даражаси бошқа инвестиция объектларига нисбатан кам, ҳамда уларнинг қайтарилиши давлат томонидан кафолатлангандир. Иккинчидан кўпчилик суғурта компаниялари ва тижорат банклари бир холдинг таркибида бирлашганлиги. Кўпчилик тижорат банклари ўзларининг суғурта компанияларига эгалиги уларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозитларига йўналтиришни талаб қилиб қўяди. Бу эса тижорат банклари учун қўшимча маблағларни депозитларга жалб қилишнинг самарали йўлидир. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 39,4 фоизга ўсиб 4037,3 млрд.сўмни ташкил қилган (2-жадвал)

## 2-жадвал

Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий тузилиши<sup>100</sup>

Кўрсаткич номи	31.12.2022		31.12.2023		Ўзгариш % да
	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	
Жами инвестициялар, шу жумладан:	4 751 745	100%	6 149 938	100%	+29,4%
Депозитлар (омонатлар)	2 896 636	61,0%	4 037 369	65,6%	+39,4%
Қимматли қоғозлар	1 287 917	27,1%	1 357 492	22,1%	+5,4%
Займлар	60 776	1,3%	46 864	0,8%	-22,9%
Кўчмас мулк	358 944	7,6%	539 498	8,8%	+50,3%
Ташкилотлар устав фондидаги иштироки	118 221	2,5%	134 728	2,2%	+14,0%
Бошқа инвестициялар	29 252	0,6%	33 988	0,6%	+16,2%

Юқоридаги жадвалдан суғурта компанияларининг бошқа инвестиция объектларига қилинган инвестицияларни ҳам кўришимиз мумкин. 2023 йилда суғурта компаниялари томонидан қимматли қоғозларга 1357,4 млрд.сўм инвестиция қилинган, бу ўтган йилга нисбатан 5,4 фоизга кўпдир. Шунингдек, кўчмас мулк бозоридаги нархларнинг ўсиш тенденциясини намоён этиши суғурта компанияларининг бу бозорда инвестицион фаоллигини ошириб келмоқда, 2023 йил бу соҳага суғурта компаниялари ўтган 2022 йилга нисбатан 50,3 фоиз кўпроқ инвестиция маблағларини йўналтиришган.

Бироқ, сўнгги йилларда миллий суғурта бозорининг ўсиш суръати миллий иқтисодийнинг асосини ташкил этувчи иқтисодий институтларнинг сифат жиҳатидан ўсиши билан таъминланмаган. Суғурта компаниялари сонининг қисқариши (2021 йилда 42 тадан 2023 йилга 38 тага) ва бозор концентрациясининг ортиши (2022 йилда ТОП-10 суғурта компанияси бозордаги 66,1 фоиз суғурта мукофотини йиғишган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 73,3 фоизни ташкил этмоқда, ҳамда бу кўрсаткич 2024 йил якунлари бўйича ўз қийматини сақлаб қолиши кутилмоқда) фонида суғурта бозорини ривожлантириш омилларини танқидий кўриб чиқишни тақазо қилиб қўймоқда. Бундай салбий ҳолатлар ўз навбатида, суғуртанинг мазмуни ва мақсадини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий функцияларини амалга оширишга имкон бермайди. Шу сабабли, миллий иқтисодийда суғурта бозорининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган бир қанча муаммолар тўпланиб қолганлигини акс эттиради, хусусан уларнинг айримларини ажартиб кўрсатишимиз мумкин, жумладан:

- Суғурта компаниялари томонидан суғурта фондларини самарасиз ишлатилиши;

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>

- маҳаллий суғурта бозорининг инвестицион салоҳиятини амалга оширишда таркибий номутаносибликларнинг мавжудлиги;
- суғуртадан нафақат солиққа тортишни оптималлаштириш воситаси, балки маблағларни ювиш ва чет элга валютани олиб чиқиш усули сифатида фойдаланиш;
- танлов эркинлиги билан бир қаторда бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатга зарар етказувчи суғурта соҳаси концентрациясининг кучайиши ва монополлашуви;
- суғурта соҳасида нафақат суғурта маҳсулотлари истеъмолчилари томонидан, ҳамда суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга ошириладиган фирибгарлигининг сезиларли даражада ошиши;
- аҳоли, суғурта ташкилотлари ва бозорнинг бошқа иштирокчиларининг суғурта билан боғлиқ маданиятининг етарли эмаслиги.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги соҳанинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши суғурта бозорининг иқтисодиётдаги роли ва концептуал асосларини қайта кўриб чиқишни талаб қилиб қўймоқда.

Иқтисодиётнинг макро, мезо ва микро даражаларида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи суғурта бозорининг ўзига ҳам кўплаб турли омиллар таъсир қилади. Нобарқарор макроиқтисодий шароитлар миллий суғурта бозори ривожланишига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, молия тизимида молиявий муҳитининг барқарор ҳолатини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни таъминлайдиган, суғурта ва молия бозорларининг ўзаро ҳамкорликда ишлайдиган механизм ва воситаларни яратиш жуда муҳимдир.

Суғурта бозорининг мамлакат иқтисодиёти тизимидаги ўрни бир қатор ҳолатлар билан белгиланади. Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий тизимда суғурта ҳимоясига объектив эҳтиёжнинг мавжудлиги суғурта бозорининг шаклланишига олиб келади. Иккинчидан, пул кўринишида шаклландиган суғурта фонди орқали бозорда суғурта ҳимояси таъминланади ва бу бозор уни умумий молия бозори билан боғлайди.

Оммавий суғурта муносабатлари орқали суғурта бозори корхоналар, аҳоли, банк тизими, давлат бюджети ва бошқа молия институтлари билан ўзаро муносабатларга киришади. Бундай муносабатларда суғурталанувчилар ва суғурта маҳсулотларининг бошқа истеъмолчилари молия институтлари сифатида қаралади.

Умумий молия тизимида суғурта бозорининг фаолияти ҳамкорлик ва рақобат шароитлари билан тавсифланади, бу эса аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш молиявий ресурслари учун турли молия институтлари ўртасидаги рақобатда намоён бўлади. Масалан, суғурта бозори ҳаётни суғурталаш маҳсулотларини таклиф қилса, банклар депозитларни, фонд бозори қимматли қоғозларни таклиф қилади ва ҳоказо.

Суғурта бозорига инфляция даражасининг юқори бўлиши жамғариб бориладиган ҳаётни суғурталаш маҳсулотлари ривожланишига имкон бермаслиги, sanoat капиталининг паст ўсиш суръатлари, ички иқтисодиёт учун характерли бўлган юқори транзакция харажатлари ва бошқалар салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Маҳаллий ҳамжамият ўзининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун суғурта механизмнинг муҳимлиги ва унинг иқтисодий ҳимоя механизмларини тушиниб етишмайди, бунда субъектлар ихтиёрий суғуртани қўшимча харажатлар сифатида талқин этишади, мажбурий суғурта эса айрим ҳолларда солиққа тенглаштирилади. Нафақат молиявий-иқтисодий инқироз пайтида балки иқтисодиётда юз бераётган барча салбай ҳолатларни суғурта механизми орқали уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш мумкинлигини кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар ҳали ҳам тушиниб етишмаган.

Суғурта соҳаси ва бизнесининг ривожланишида асосий омил бу аҳолининг иқтисодий салоҳиятидир. Мамлакат ва жамиятдаги кам даромад муаммоси ривожланган мамлакатларда энг кенг тарқалган суғурта шакллари билан бири бўлган

хаётни узоқ муддатли суғурталаш шакллари ривожлантиришга катта тўсиқ бўлиб ҳисобланади ва уларни лозим даражада ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий суғурта компаниялари ва бозор субъектлари суғурта соҳасига янги инновацияларни қўллаш билан бир қаторда юқоридаги муаммоларни ҳам ҳал қилишлари, ҳамда кенг жамоатчилик оммасига “суғурта ғояси”ни етказишлари ва миллий суғурта бозорининг рақобатдош устунликларини яратишлари керак бўлади.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида суғурта бозори давлат томонидан тартибга солишнинг самарали тизимсиз мавжуд бўлмайди. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш – бу суғурта бозорининг самарали фаолият юритиши ва унинг субъектлари қарорлар қабул қилиш эркинлиги учун асосли шарт-шароитларни яратишдир. Давлат томонидан тартибга солишнинг мақсадлари бу суғурта бозори субъектлари томонидан қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш, суғурта шартномалари томонларининг мажбуриятларининг бажарилишини, миллий суғурта бозорининг ишончлиги ва шаффофлигини, рақобатбардошлигини, барқарор ишлашини таъминлаш, ҳамда жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигини оширишдир.

Мамлакатда ривожланган суғурта бозорини яратиш суғуртанинг асосий функцияларини макро даражада тўлиқ амалга ошириш имконини беради, жумладан:

– давлатни қўшимча харажатлардан озод қилиш, ундан ташқари охириги йилларда мамлакат бюджетидagi дефицитини қисман бўлсада камайтириш имконини беради;

– ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш, сабаби суғурта фавқулodда вазиятлардан зарар кўрган корхоналар фаолиятини тез ва қайта тиклаш учун молиявий имкониятларни яратади;

– жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини суғурталаш орқали жабрланганларга суғурта қопламаларини тўлаб бериш орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

– суғурта компаниялари томонидан амалга ошириладиган огоҳлантириш чоратadbирлари орқали жамиятдаги умумий иқтисодий хавфсизликни ошириш;

– суғурта фондида тўпланган маблағларни иқтисодиёт учун қўшимча молиявий ресурслар асосида жалб қилиш мақсадида суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш.

Умуман олганда, суғурта бозори мураккаб кўп омилли молиявий тизим сифатида тавсифланади. Унинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари ажратиб туради. Бундан ташқари, суғурта бозори кўпинча капитал бозорларининг барча турларида потенциал инвестор сифатида намоён бўлади, бу маҳаллий суғурта бизнесини ва бошқа тармоқларни ривожлантириш ҳамда молиялаштиришда ёрдам бўлиб, шунингдек давлат бюджетга реал пул маблағлари жалб қилиш имкониятларига эга эканлиги билан ажралиб туради

Суғурта бозори фаолиятининг зарурий шарти суғурта хизматларига бўлган эҳтиёж, шунингдек, ушбу эҳтиёжни қондиришга қодир суғурта компанияларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, суғурта бозори фаолияти бирламчи иқтисодий қонуниятларга, яъни нарх, талаб ва таклиф қонунларига асосланади.

Ривожланган суғурта тизими ёки суғурта бозори давлатни кутилмаган ҳолатлар туфайли келиб чиқадиган қўшимча молиявий харажатлардан озод қилиши мумкин. Шундай қилиб, суғурта бозорида суғурта инновацион функцияни амалга оширади, техник тараққиётни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, янги технологияларни жорий этишга ҳамда юзага келиши мумкин бўлган рискларини қоплашни кафолатлаш орқали жамиятнинг ижтимоий ривожланишига ёрдам бериши билан бошқа молиявий бозорлардан ажралиб туради.



### Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб олиб борилган таҳлиллардан қуйидаги хулосалар чиқаришимиз мумкин бўлади:

Биринчидан, суғурта бозори – бу хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг ҳаётида ёки фаолиятида турли хил ноқулай табиий ҳодисалар, техноген, иқтисодий ва ижтимоий характерга эга ҳолатларнинг юзага келиши (ёки юзага келиш rischi) муносабати билан уларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича суғурта муносабатларини амалга оширувчи механизмдир.

Иккинчидан, суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати қуйидаги миқдорӣ ва сифат кўрсаткичлари билан белгиланади:

- Суғуртанинг барча соҳаларида концентрациянинг юқори даражаси;
- суғурта мукофотларининг ўсиши суғурта бозорини сифат жиҳатидан трансформацияни ортда қолдирмоқда;
- назорат органларининг қатъӣ талаблари фонида фирибгарлик схемаларининг ўзгариши;
- бозорнинг таркибий номуносаблигининг кучайиши (бир вақтнинг ўзида ҳаёт суғуртаси соҳасининг турғунлашуви ва кўрсаткичларнинг пасайиб кетиши, ҳамда умумӣ суғурта соҳасининг айрим тармоқларининг жадал ўсиши);
- суғурта ва банк соҳалари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши;
- соҳани барқарор ривожлантириш бўйича ноаниқликнинг юқори даражаси ва бошқалар.

Учинчидан, суғурта бозорининг ривожланиши ҳам анъанавӣ (депозитларга инвестициялар, қимматли қоғозлар, қайта суғурталаш ва ҳ.к.), ҳам инновацион молиявий воситалар (ақлли контрактлар, ҳаётни биргаликда суғурталаш ва бошқалар) орқали таъминланмоқда, ҳамда унинг барқарорлигини таъминловчи самарадорлик кўплаб омиллар ва шартлар билан белгиланиши.

Тўртинчидан, мамлакатда замонавий суғурта бозори ривожланишидаги номуносабликларни бартараф этиш учун нафақат унинг ривожланишининг институционал хусусиятларини ҳисобга олиш, балки тизимли ёндашув орқали уларни бартараф этишни таъминлаш муҳимдир, жумладан:

- Барча қатламдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг (жамият, бизнес ва давлат) манфаатларини ҳисобга олган ҳолда суғурта қонунчилигини замон талаблари асосида такомиллаштириш;
- аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини, фуқароларнинг мол-мулки ҳамда ҳаётини ҳимоя қилиш учун уларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш;
- кичик ва ўрта бизнес, ҳамда йирик бизнес вакилларини суғурталанишини рағбатлантириш;
- суғурта соҳасини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;
- инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш, суғурта соҳасини ривожлантиришда замонавий рақамли технологияларни қўллаш;
- суғурта компанияларининг фаолият доирасини ҳисобга олган ҳолда фонд бозоридаги иштирокини ривожлантириш ва бошқалар.

### Адабиётлар / Литература / Reference:

Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(6), 7.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

Abdurakhmonov, I. (2020). *Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. International Finance and Accounting, 2020(3), 7.*

Abduraxmonov, I. (2022). *Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(3), 60-67.*

Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). *Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent. "IQTDISOD-MOLIYA.*

Ilyas, A. (2018). *Competition in the insurance market of Uzbekistan. Asian journal of management sciences & education, 7(2), 56-61.*

Ilyas, A. (2018). *Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 7(1), 59-68.*

Ilyos, A. (2019). *Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 8(2), 20-27.*

Khurshidovich, A. I. (2021). *Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. International Journal of Management IT and Engineering, 11(7), 91-96.*

Абдурахмонов, И. (2022). *Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(1), 95-99. Retrieved from https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82.*

Абдурахмонов И.Х. (2020) *Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №4, 1-10 б.*

Абдурахмонов И.Х. (2022) *Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.*

Абдурахмонов И.Х. (2022) *Суғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.*

Абдурахмонов, И. (2020). *Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.*

Абдурахмонов, И. Х. (2010). *Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс... и. ф. н, 26.*

Абдурахмонов, И. Х. (2018). *Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.*

Абдурахмонов, И. Х. (2019). *Теория и практика страхования. Учебник/–Т.: «Иқтисод молия, 353-354.*

Абдурахмонов, И. Х. (2023). *Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.*

Вершинин Д.М., Разукова С.В. (2022) *Некоторые особенности развития российского рынка страхования. International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 5-4 (68), 73-77 стр.*

Гасанова Д.Б., Ашурбекова З.Н., Магомедова П.А. (2019) *Современное состояние страхового рынка России. Региональные проблемы преобразования экономики, №2, 154-168 стр.*

Денисова Н.И., Чиженко Л.М., Чиженко И.П. (2016) *Страховой рынок России: проблемы и перспективы развития. Вестник Московского университета имени С. Ю. Витте. Серия 1: Экономика и управление №1 (16), 51-57 стр.*

Захарова Н.И., Пасько Е.И. (2011) *Страховой рынок как особая социально-экономическая среда. Научный вестник МГТУ ГА. №166, 137-142 стр.*

*Найко К.И. (2018) Страховой рынок России: проблемы и перспективы развития. Вестник магистратуры. № 3-2(78), 94-96 стр.*

*Полякова А.А., Кожанчикова Н.Ю., Дударева А.Б. (2018) Современные тенденции функционирования рынка страховых услуг России. Управленческое консультирование. № 10, 70-83 стр.*

*Родин Р.С. (2019) Сущность и структура страхового рынка Российской Федерации. Вестник Московского университета МВД России. (7):70-4.*

*Сизон Ю.Е., Углицких О.Н. (2023) Страховой рынок России на современном этапе. Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования, №7 (73), 72-77 стр.*